Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 19 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (13.099)

Баҳоси эркин нархда

ШҲТ МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Бугун Ўзбекистон барча соҳада жадал ривожланаётгани, тинчликпарвар сиёсати, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлари туфайли халқаро миқёсда нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Президентимиз раҳнамолигида ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётган мамлакатимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиш йўлидаги олий мақсадларига эришишнинг стратегик механизмини яратди. Бу жараёнда мамлакатимиз халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, хусусан, жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотларига аъзо бўлиб, улар билан фаол ва самарали алоқаларни мутасил кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шулардан бири Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)дир.

2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мустаҳкам позицияси, самарали ёндашувлари ва муайян мақсадларига эга нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Унинг глобал иқтисодий-ижтимоий, халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни бартараф этишдаги, дунёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти ҳамда таъсири тобора ошиб бораётгани ШҲТга аъзо бўлиш, кузатувчи ва мулоқот бўйича шериклар қаторига қўшилиш истагини билдираётган мамлакатлар сони тобора ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

ШҲТ ташкил топгандан буён Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ташкилотнинг аъзолари ҳисобланади. Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Мўғулистон, Беларусь ШҲТ фаолиятида кузатувчи сифатида қатнашса, мулоқот бўйича шериклар сафида Туркия, Шри-Ланка, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал иштирок этади. Ўтган йилги Уфа саммитидан сўнг Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТга аъзо сифатида қабул қилиш жараёни бошланди.

Ўтган давр мобайнида ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва аҳил қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама асосда савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

ШҲТ фаолиятида ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилма-хилликка ҳурмат билан ёндашув, биргаликда тараққий этишга интилиш тамойилларига қатъий амал қилиб келинмоқда.

ШҲТ фаолиятида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни молиялаштириш, ишбилармонлар ва молия муассасаларининг ўзаро алоқаларини фаоллаштириш, жумладан, транспорт, инфратузилма, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, банк-молия каби соҳалардаги ҳамкорлик ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, фан, таълим, инновацион технологиялар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, экология ва хавфсизлик каби йўналишлардаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ушбу халқаро ташкилот фаолиятидан ўрин олган муҳим вазифалардандир.

Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи икки органи – Пекин шаҳрида жойлашган Котибият ва Тошкент шаҳрида жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Котибият ШҲТнинг ижроия муассасаси ҳисобланиб, ташкилот доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг ташкилий-техник ва ахборот таъминотини амалга оширса, Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг асосий вазифалари терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, гиёҳванд моддалар ҳамда қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши биргаликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олишдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Экспорт – тараққиётнинг муҳим омили

“MADE IN UZBEKISTAN” — ДУНЁ ТАНЛОВИГА АЙЛАНДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари, жаҳонга машҳур матолару, улардан тайёрланаётган кийим-кечакларга дунё ҳавас қилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши кейинги ўн бир йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида жаҳон миқёсида савдосотиқ ишлари суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, “Made in Uzbekistan” ёрлиғи туширилган маҳсулотларимиз дунё бозорларидан мустаҳкам жой олди. Корхоналаримиз жаҳонга қарийб барча турдаги товарларни – озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, замонавий техникаларгача таклиф этмоқда. Халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлар юксак сифати билан хорижлик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, 2015 йилда мамлакатимиздан экспорт қилинган жами маҳсулотларда хизматлар – 24,5 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари – 10,2, қора ва рангли металл – 6,4, пахта толасининг улуши – 5,7, кимё саноати маҳсулотлари – 4,8 фоизни ташкил этган.

Биргина қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон умумий қиймати беш миллиард доллардан зиёд озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробардан ошди. Бугунги кунда мамлакатимиз саксондан ортиқ давлатга 180 турдан ортиқ мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётир.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам, бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради. 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимизда енгил саноат маҳсулотлари экспорти кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти маълумотларига кўра, ташкилот таркибида уч юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 250 дан ортиғи экспортчи корхоналардир. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотлари Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларига етказиб берилаётир. Жумладан, ўтган йили қиймати бир миллиард доллардан зиёд енгил саноат маҳсулотлари экспорт қилинди.

– Собиқ тузум даврида хорижий давлатлар пахтамизни сотиб олиб, уни қайта ишлаб, сўнг тайёр маҳсулот ҳолида ўзимизга қайта пуллар эди, – дейди “Ariya Teks” корхонаси бош директори ўринбосари Равшан Муҳрумбоев. – Истиқлол шарофати билан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига таклиф қилиш, дунё тадбиркорлари билан рақобатлашиш имконига эга бўлдик. Бугун корхонамизда тайёрланаётган замонавий дизайнга эга тикувчилик ва трикотаж товарлари, махсус иш кийимлари хорижга экспорт қилинаётир.

(Давоми 2-бетда)

Алоқа тарихи музейида ахборот-коммуникация технологиялари мутахассисларини тайёрлаш ва соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни юксак интеллектуал салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук шахслар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бугун жамиятимиз олдига ахборот соҳасини изчил ислоҳ этиш, кадрлар маҳоратини юксалтиришга доир муҳим вазифалар қўйилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида таълим сифатини ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ахборот технологияларини самарали жорий этиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети қошида ташкил этилган “Электрон ҳукумат” ўқув марказида давлат бошқаруви органлари раҳбар ва ходимларининг малакасини ошириш курслари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, илмий ишланмаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, яқинда ўтказилган кўргазмаларнинг бирида ушбу олий ўқув юрти ўқитувчилари, талаба ва магистрлари 90 дан ортиқ дастурий ва техник ишланмани намойиш қилди. Уларнинг аксариятига патент ва 71 сертификат берилди. Шунингдек, қиймати 3,9 миллиард сўмдан ортиқ бўлган илмий-тадқиқот ишлари ва 2,2 миллиард сўмлик 126 лойиҳа бўйича хўжалик-шартнома ишлари амалга оширилмоқда.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ва инновацион салоҳиятини, касб кўникмасини юксалтириш мақсадида Тошкент шаҳридаги Инҳа университети қошида Инновациялар ва саноат кооперацияси маркази ташкил этилди.

– “Кафолат” суғурта компанияси билан ҳамкорликда “Мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигини ошириш учун мобиль иловалар яратиш” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди, – дейди ушбу марказ директори Санжар Саидхўжаев. – Бундай ҳамкорлик компанияга тайёр маҳсулот олиш, университетга илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, талабаларга эса билим олиш жараёнида амалий кўникмаларни ривожлантириш имконини беради.

Тадбирда олий таълим муассасалари базасида ташкил қилинган 12 ўқув марказида турли идораларнинг икки мингдан зиёд ходими ўқитилгани таъкидланди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимида “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини янада кучайтириш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2015 йилги фаолияти натижалари ва 2016 йилдаги муҳим вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилишида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг соғлиғи, таълим-тарбияси, ижтимоий муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

● Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга йўл олган йигитларнинг навбатдаги гуруҳини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида унинг сафларида хизмат қилиш учун ҳар томонлама соғлом, интеллектуал салоҳиятли ёшлар саралаб олинаётгани таъкидланди.

● Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган 180 балиқчилик хўжалиги томонидан 2015 йилда 10 минг 850 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди.

ЖАҲОНДА

● Филиппинда мамлакатнинг собиқ диктатори Фердинанд Марокоснинг қимматбаҳо буюмлари кимошди савдосига қўйиладиган бўлди. Унинг мол-мулки 21 миллион долларга баҳоланаётган бўлиб, аукционни жорий йилнинг июнь ойида ўтказиш режалаштирилди.

● Бельгиянинг Брюссель шаҳрида НАТОнинг расмий вакиллари ва чегараларни қўриқлаш бўйича Европанинг “Фронтекс” агентлиги ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилади. Унда кишиларни ноқонуний равишда бошқа давлатлар ҳудудларига ўтказиш юзасидан жиноий ҳаракатларга барҳам бериш масалалари кўриб чиқилади.

● Нидерландиядаги Твенте университети олимлари ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётган давлатлар ҳақида тадқиқот ишларини амалга оширишди. Қизиғи шундаки, ушбу рўйхатдан АҚШ ҳам ўрин олган.

ШҲТ МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги шиддатли даврда ҳеч бир глобал муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати билан ечиб бўлмайди. Мисол учун, экология ва хавфсизлик муаммолари жаҳон миқёсидаги фаол ҳамкорликни талаб этади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йили Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида ШҲТ фаолиятида муҳим тарихий воқеа содир бўлди – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг ўша йили апрель ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида Тошкентда БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди.

Мазкур муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши – ШҲТ билан БМТ ўртасида расман йўлга қўйилган ҳамкорлик долзарб масалалар ечимини топишда биргаликда ҳаракат қилиш учун муҳим замин яратди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тартиб-қоидаларига асосан ҳар йили аъзо давлатлардан бири унга раислик қилади. 2015 йилнинг 11 июлидан бошлаб ШҲТга Ўзбекистон Республикаси раислик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ШҲТнинг асосчи давлатларидан бири бўлиб, мамлакатимиз шу кунгача ушбу ташкилотга икки маротаба – 2003-2004 ва 2009-2010 йилларда раислик қилган. Бу даврларда ШҲТ фаолиятини такомиллаштириш, унинг доирасида турли йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилинган.

ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланадиган жорий йилда ташкилотга раислик қилиш мўлжалланган режалар ижросини муваффақиятли бажариш бўйича масъулиятни янада оширади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 21 январдаги Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ушбу йирик анжуманга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон ШҲТдаги раислиги даврида мавжуд анъаналарга риоя қилиб, аъзо давлатлар манфаатларига мос амалий ва ишончли ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва ривожлантириш, ташкилотнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтириш тамойилларига қатъий амал қилмоқда.

Мамлакатимизнинг ШҲТга раислиги доирасида ташкилот халқаро алоқаларини янада ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, унинг Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқликни сақлаган ҳолда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётир.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Божхона қўмитаси билан ҳамкорликда "Божхона кодексининг янги таҳрири – божхона ишининг ҳуқуқий асоси" мавзуига бағишланган анжуман ташкил этилди.

БОЖХОНА ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Маълумки, Олий мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 17 ноябрда қабул қилинган Божхона кодексининг янги таҳрири жорий йил 20 январь куни "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуни билан тасдиқланди. Шу чоққача амал қилиб келган Божхона кодекси 1997 йилда қабул қилинган эди.

Матбуот анжуманида янги кодекснинг қабул қилинишига сабаб бўлган зарурат, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Умид Сулаймонов ҳамда Давлат божхона қўмитаси Ҳуқуқий бошқарма бошлиғи Абдуғофур Қурбоновлар атрофлича маълумот бериб ўтишди.

Таъкидланганидек, бугунги кунга қадар амалдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва "Божхона тарифи тўғрисида"ги Қонунидан ташқари божхона соҳасига оид 350 дан ортиқ турли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, божхона қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида Божхона кодексига 16, "Божхона тарифи тўғрисида"ги қонунга 14 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу сабабли божхонага оид қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини ихчамлаштириш ушбу йўналишдаги қонунчилик нормаларини мукаммаллигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишининг ишончли механизмларини яратиш, божхона маъмурчилигининг барча босқичлари ва даражаларида норма ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, шунингдек, божхона органлари томонидан тартибга солишнинг ошкоралигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини ташкил этиш, ташқи савдо операциялари ривожланишини рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига юқори даражада қулайликлар яратиш мақсадида Божхона кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилди.

Янги таҳрирдаги кодекс 12 та бўлим, 59 боб ва 412 та моддадан ташкил топган бўлиб, унда энг аввало божхона фаолиятига доир 31 та тушунчалар аниқ ва тушунарли тарзда ифодалаб берилган.

Айтиш ўринлики, 2013 йилда республикамизда товарларни божхонада электрон тарзда декларациялаш имконияти жорий қилинган бўлиб, ўша йили ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан 39,2 фоиз божхона декларациялари электрон шаклда тақдим этилган. Бугунга келиб бу кўрсаткич 99 фоиздан ошди. Мазкур электрон декларациялаш ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш божхона назорати тартибларини сезиларли равишда соддалаштирмоқда.

Янги таҳрирдаги божхона кодексида тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш, уларнинг ҳужжатларини давлат органларига тақдим қилиш билан боғлиқ оворагарчиликни камайтириш мақсадида ҳужжатларни "бир дарча" тамойили бўйича тақдим этиш механизми ҳам киритилган. Кодексда божхона органларининг ТИФ қатнашчиларига маълумотларни тақдим қилиш ва уларга маслаҳатлар бериш бўйича мажбуриятлар батафсил ёритиб берилган.

Тадбирда шунингдек, 2016 йил 20 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонуннинг асосий моҳияти ва мажбуриятлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"MADE IN UZBEKISTAN" – ДУНЁ ТАНЛОВИГА АЙЛАНДИ



Францияниг етакчи "Exuinoxe" компанияси президенти Кристофэ Бриолин Ўзбекистонда мода ва дизайн соҳасини ривожлантириш учун барча зарур омиллар – иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, интеллектуал ғояларга мавжудлиги, мамлакатимиз пахта ва тўқимачилик саноати улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлаган. Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кўплаб турдаги тўқимачилик маҳсулотлари жаҳон енгил саноати бозорида ўз ўрнига эга эканидан далолатдир. "Exuinoxe" Наманган вилоятидаги эркаклар устки кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ideal" масъулияти чекланган жамияти билан бир йилдан буён кўплаб янги моделлар дизайнини яратиш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳар қандай корхонанинг рақобатбардошлиги маҳсулот сифатига қараб белгиланади. Шу боис юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифати, рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳолининг узоғини яқин қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири – автомобиль. Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарилиши, уни хорижий давлатларга экспорт қилиш илгари тушимизга ҳам кирмаган. Бугун ҳар икки оиланинг бирида юртимизда ишлаб чиқарилган машина.

Ҳозирги кунда автомобилларимиз ўндан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Хорижий давлатларда Ўзбекистон автомобиль саноатининг 250 дан ортиқ дилери фаолият кўрсатмоқда. Замонавий дизайн ва юқори техник имкониятларга эга ўзбек автомобиллари истеъмолчилар ишончини қозониб, мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятини бутун дунёга намойиш этмоқда.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий барқарорлик, қулай ишбилармонлик муҳити, бу борадаги пухта механизм хорижий сармоядорлар қизиқишини орттирмоқда. Юртимизда чет эллик инвесторлар билан тузилган қўшма корхоналар йил сайин ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Жумладан, "East Butterfly", "Novopharma Plus", "Global Komsco Daewoo", "Uztex-Tashkent", "Los gigantes textiles", "Agromir", "O`zelectroapparat Electroshield", "Infinity Electronics", "Eclair Cosmetic", "Istiqlol Textile Dezign", "Bahor Plastics" каби қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юксак сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

– Корхонамиз электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган минтақадаги ягона саноат муассасасидир, – дейди "O`zelectroapparat Electroshield" қўшма корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори Шерзод Шукуров. – Улар орасида ўрта ва юқори вольтли комплект мосламалар, очиқ конлар учун юқори вольтли ускуналар, қувурларни катодли ҳимоя қилиш технологиялари, конденсатор қурилмалари, электр аппаратлари ва электромонтаж маҳсулотлари, кенг турдаги халқ истеъмол товарлари бор. Шунингдек, металлдан офис ва тиббиёт муассасалари учун турли ҳажм ва рангдаги мебель жиҳозлари тайёрланади. Маҳсулотларимиз юқори сифати ва халқаро талабларга жавоб бериши билан ажралиб туради. Қулай сармоявий муҳит, солиқ ва божхона имтиёзлари корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз ана шу қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, маҳсулотларимиз экспортини янада оширишдан иборат.

Ушбу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш, миллий маҳсулотлар экспорти салоҳиятини юксалтиришда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жамғарма томонидан саксонга яқин хорижий ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур жамғарма кўмагида юртимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиб, ўз маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш ва жўғрофиясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқда.

– Атлас, адрас, беқасам сингари миллий матолардан либослар ва аксессуарлар тикамиз, – дейди ЎзА мухбирига қашқадарёлик хусусий тадбиркор Умида Фозилова. – Юртимизда ҳунармандликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли миллий матолардан тикилган либосларимиз халқаро миқёсда кенг оммалашмоқда. Хитой, Ҳиндистон, Россия каби мамлакатларга маҳсулотларимизни экспорт қиламиз. Экспорт жўғрофиясини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Жамғарма ва унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига аҳратмалар тўлашдан озод қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақ тўламасдан, аккредитив очмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга. Буларнинг барчаси уларга катта имтиёз яратиб, экспортга кенг йўл очаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ 2015 йилнинг май-октябрь ойларида мамлакатимиз компания ва ташкилотлари экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган "Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмасида иштирок этди. Унда мамлакатимизнинг сармоя, экспорт-импорт, консалтинг ҳамда транспорт хизматлари, шунингдек, енгил ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ва мебелсозлик соҳасидаги ютуқ ва имкониятлари кенг намойиш қилинди.

– Ўзбекистонда энг нозик турдаги маҳсулотдан тортиб мураккаб технологик жараённи талаб этувчи барча турдаги товарларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган, – дейди Корея Республикасининг "DY Panel" компанияси менежери Жеонг Мин Сон. – Мамлакатингиздаги корхоналарга энг замонавий технологиялар жорий этилгани катта самара бераётир. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш йўлида барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, соҳага тўлиқ эркинлик беришга катта эътибор қаратилаётгани бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган демократик давлат қуриш йўлидаги ислоҳотларга ёрқин мисол бўла олади. Компаниямиз Ўзбекистон ишбилармонлари билан қурилиш материаллари, жумладан, панел ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.

Яна бир гап. Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон мазкур рейтингда 5-ўринни эгаллади. Мазкур ҳисоботда Ўзбекистоннинг замонавий бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётгани ижобий баҳоланган. Мамлакатимиз пахта, нефть-газ ва кимё маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда юқори ўринларда туриши қайд этилган.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг тинимсиз ва фидокорона меҳнати, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик самаралари бўлиб, ҳар биримизга фахру ифтихор бағишлайди.

Нодира МАНЗУРОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

"ОАВларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилишининг боришини ёритишга, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзуида

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг амалга оширилишининг бориши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг соғлом фарзандни тарбиялашдаги ролини кучайтириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини очиб берадиган аниқ мисолларга асосланган махсус телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар, мақолалар, репортажлар тайёрлаш.

2. Ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини, жумладан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини ёритиш.

3. 2011, 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган тузатишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

4. Давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлардан аҳолининг, фуқаролик жамияти институтларининг хабардорлигини ва кенг фойдаланишини таъминлаш.

5. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши, оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

6. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида жойлардаги давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар жараёни ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.

7. Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро ҳамда динлараро тотувликни таъминлашда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда намунали маҳаллаларнинг иш тажрибасини оммалаштириш.

8. Ҳудудий ОАВларда мамлакатни ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий масалалари бўйича сиёсий партиялар нуқтаи назарини очиб берадиган, парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида хабардор этадиган таҳлилий материаллар тайёрлаш.

9. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, жойларда ушбу қонунлар нормалари амалга оширилишининг бориши, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда *(А4 форматда)* қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 22

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Ҳаёт". Х/ф.
7.25 Миллий сериал: "Гулхан атрофидагилар".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 "Фусункор нақшлар". Х/ф.
9.05 "Чашма". Б/ф.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Тадбиркорлар телеклуби".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
13.45 "Иқлим".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 Миллий сериал: "Аммажоним – аммажон".
15.15 "Иқлим".
15.20 "Бизнес старт".
15.45 "Менинг боғим".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачиқ".
17.30 "Суҳбатдош".
17.45 "Монк". Т/с.
18.30 "Имконият".
18.50 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.25 – 00.10 "Бирни кўриб шукр қил". Б/ф.
00.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.45 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Қорачиқ".
3.50 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Гулхан атрофидагилар".
5.15 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Жиблажибон". Т/с.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Оила шаъни". Т/с.
8.40 "Соғлом ҳаёт".
9.00 "Ҳаёт сабоқлари". Т/с.
9.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Сеҳрли қўллар".
11.40 "Муваффақият калити".
12.00 "Уч мушкетёр". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Мангу эртак". Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Фан ва ёшлар".
17.30 "Юрт келажаги".
17.50 "Жийда гули". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Имкон-шоу".
21.10 "Уч мушкетёр". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Бетховен". Б/ф.
00.00 "Шарқ гавҳари".
1.30 "Инсон психологияси".
4.50 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг-андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.15 "Телетаҳлил".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
12.50 "Пойтахт-Hi-tech".
13.15 "Бахт кўрғони".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Амели". Б/ф.
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Қонун доирасида".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг- андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
21.20 "Сифат назорати".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Не угаснет надежда". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.15 "Элиза". Т/с.
1.00 "Poytaxt-eko".
1.10 "Оушеннинг 13 дўсти". Б /ф.
3.25 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.30 "Орзулар кемаси".
7.00 "Sport online".
8.00 Талқин.
8.30 Футзал. Осиё чемпионати.
10.05 Чана спорти. Жаҳон Кубоги.
10.55 Дзюдо. Гран при турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.05 Велоспорт.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 Футзал. Осиё чемпионати.
15.55 "Жозиба".
16.20 Теннис.
17.35 "Спорт сабоқлари".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спорт сайёраси".
18.15 "Техноспорт".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 "Болалар спорти".
19.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.50 "Гол". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.25 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
23.15 Велоспорт.
00.05 Профессионал бокс.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 Жаҳон Кубокларида: Тоғ чанғиси. Чанғи пойгаси.
3.15 Жаҳон Кубокларида: Чана спорти. Трамплиндан сакраш.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
6.35 "Аслидек асрайлик".
7.00 Миллий кино. "Аёллар салтанати".
8.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "TV анонс".
9.05 Миллий кино. "Даллол".
10.05 "Мисли гавҳар".
10.25 "Изҳор".
10.30 "Ихтиро".
10.55 "TV анонс".
11.00 "Маҳалламиз спортчилари".
11.40 "Йўлга чиқдик".
12.05 "Нуроний фасл".
12.25 "TV анонс".
12.30 "Маҳаллам ҳақида".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Суратдаги сир".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар".
15.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
15.30 "Ораста бекажон".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
16.30 "Изҳор".
16.35 "Фермер".
17.00 "Фотокўзгу".
17.05 "Биламиз-ку, аммо".
17.30 "Аждодлар хазинаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Қайтар дунё".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Тилим қурсин".
22.25 "Изҳор".
22.30 "Табиат шифохонаси".
22.55 "Фотокўзгу".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Маҳалламиз Зулфиялари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
00.35 "Шарқона маскан".
1.00 Миллий кино. "Суратдаги сир".
2.10 "Бола бошидан".
3.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
3.40 "Сулола".
4.05 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
4.35 "Иш билганга минг танга".
5.00 "Фотокўзгу".
5.05 "Маҳалламиз болалари".
5.25 "Изҳор".
5.30 "Идрок харитаси".
5.50 – 6.00 "Юртим манзаралари".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Саргузаштлар ороли".
8.50 "Мультипанорама".
10.10 "ABC-kids".
10.30 "Болалар учун фильм".
11.50 "Саёҳатчи болажон".
12.10 "Миттивойлар мусобақаси".
12.30 "Мультипанорама".
13.20 "Болажон орзуси".
13.30 "Табиатга саёҳат".
13.50 "Болажон ошхонаси".
14.00 "Мультипанорама".
15.40 "Ўйинқароқ болалар".
15.50 "Сеҳрли қўллар".
16.00 "Болалар учун фильм".
17.30 "Bravo English!"
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Қувноқ алифбо".
20.00 "Story time".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Ақлли планшет".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Дон Кихот болалари". Б/ф.
7.20 Миллий кино. "Қудуқ".
8.45 Саргузашт фильмлар экрани. "Сўнгги киноқаҳрамон".
11.00 "Миллионер из трущёб". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Эфир сирлари".
14.10 "Орзуимдаги эркак". Б/ф.
16.00 Болалар экрани. "Овчи ўғли".
17.25 "Сиам оқшоми". Б/ф.
19.00 "Антарктика". Т/с.
19.55 Миллий кино. "Кореялик келин".
21.30 "Ҳафта юлдузи". Уилл Смит.
21.50 "Баггер Венс ҳақида афсона". Б/ф.
23.50 Миллий кино. "Ринг қироли". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Рокки". Х/ф.
2.00 "Ғаройиб ишқ". Б/ф.
3.45 – 6.00 Миллий сержантлар. "Сержантлар".

ЧОРШАНБА, 24

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Ҳаёт". Х/ф.
7.25 Миллий сериал: "Гулхан атрофидагилар".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Ер сайёраси". Х/ф.
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Агроолам".
10.30 "Сарҳад билмас дўстлик".
10.45 "Навоий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Таҳлил-25".
13.20 "Тадбиркорлар телеклуби".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қишлоқ ҳаёти".
14.40 Миллий сериал: "Аммажоним – аммажон".
15.10 "Иқлим".
15.15 "Менинг ҳуқуқим".
15.30 "Чуст пичоқлари". Х/ф.
15.45 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.30 "Одил суд".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Парламент ҳаёти".
17.40 "Монк". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Кўнгил ободлиги".
22.05 – 23.40 "Таклиф". Б/ф.
23.40 "Биз сенинг фарзандларингмиз Ўзбекистон".
00.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
00.45 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Девона". Спектакль. 2-қисм.
3.10 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
4.00 "Ахборот".
4.35 Миллий сериал: "Гулхан атрофидагилар".
5.10 "Кўнгил ободлиги".
5.35-5.55 "Либосларда мозий нафаси". Х/ф.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Жиблажибон". Т/с.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Оила шаъни". Т/с.
8.40 "Давр мавзуси".
9.00 "Ҳаёт сабоқлари". Т/с.
9.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Давр".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Зулфия ёди".
11.10 "Сеҳрли қўллар".
11.30 "Навоийга таъзим".
12.00 "Уч мушкетёр". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Кечиккан таътил". Б/ф.
15.30 "Баркамоллик йўлидан".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Фан ва ёшлар".
17.30 "Юрт келажаги".
17.50 "Жийда гули". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Имкон-шоу".
21.00 "Аёлга таъзим".
21.10 "Уч мушкетёр". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Бетховен-3". Б/ф.
00.10 "Нуқтаи назар".
00.40 "Шарқ гавҳари".
1.10 "Инсон психологияси".
4.40 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг-андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.15 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
11.35 "Poytaxt-avto".
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
12.50 "Poytaxt-madaniyat".
13.15 "Ҳикматли дунё". "Мафтуна".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Тошқин". Б/ф. 3-4 қисмлар.
18.50 "Poytaxt-reportaj".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг- андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Тошкент вақти".
21.50 "Телемаркет".
22.20 "Кухня в Париже". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-авто".
00.15 "Элиза". Т/с.
1.00 "Poytaxt-Hi-tech".
1.10 "Тошқин". Б/ф. 1-2 қисмлар.
3.40 "Эртамиз эгалари".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Соғломжон-полвонжон".
6.35 "Ифтихоримсан, спорт".
7.00 "Sport online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. "Локомотив" (Ўзбекистон) –"Ал - Иттиҳод" (Саудия Арабистони).
10.00 "Халқ ўйинлари".
10.15 Дзюдо. Гран-при турнири.
11.25 "Шахмат дурдоналари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Теннис.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. "Ал-Наср" (Саудия Арабистони) – "БунёдкоР" (Ўзбекистон)
15.55 "Спорт сайёраси".
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. "Пахтакор" (Ўзбекистон) – "Ал-Ҳилол" (Саудия Арабистони) Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.20 "Техноспорт".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 "Универсиада".
19.25 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 "Матонат".
21.20 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
22.00 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. "Ал-Аҳли" (Саудия Арабистони) – "Насаф" (Ўзбекистон). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
00.05 Енгил атлетика. Халқаро турнир.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 Жаҳон Кубокларида: Биатлон. Чанғи иккикураши.
3.35 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
4.45 "Техноспорт".
5.05 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
